

Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

www.itm.uz

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Экономика и финансы



ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ АКАДЕМИИ НАУК
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 7, 2012

- ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА
- ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР /
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЭКОНОМИКА И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ
- ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ /
МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ
- МИНАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ /
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ /
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ
- МЕҲНАТ БОЗОРИ / РЫНОК ТРУДА
- ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ /
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ И КАЗНАЧЕЙСКАЯ СИСТЕМА

- иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши - pragmatik иқтисодий сиесат; - давлатнинг бош испохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши;

- конун устуверлигини таъминлаш; - кучли ижтимоий сиесат олиб бориш; - испохотларни босқичма-босқич ва вазмийлик билан амалга ошириш

- дейдегология - pragmatichnost' ekonomicheskoy politiki; - vozlozhenie roli glavnogo reformatora na gosudarstvo;

- obespechenie verkhovestva zakona; - provedenie sil'noy sootsialnoy politiki; - poetapnosti i postopennost' v realizatsii reform

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА

- 3 Усманов А.С., Абдуллаева Ш.Р. Развитие сотрудничества с международными финансовыми институтами в сфере образования
- 7 Олимжанова Ш.О. Қишлоқ хўжалигига мулкчилик институтининг қарор топиши ва такомиллашуви
- 14 Муминов Н.Г. Иқтисодий таълимни такомиллаштиришда масофали ўқитишнинг ўрни: жаҳон тажрибаси

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР/ МЕЖДУНАРОДНАЯ ЭКОНОМИКА И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ

- 18 Зуфарова Н. Халқаро савдоны ривожлантириш нуқтаи назаридан минтақавий иқтисодий алоқаларни либераллаштириш

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ / МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ

- 24 Ахмедова Э.Р., Мирзаева М.Л. Инновационная деятельность в машиностроительном секторе экономики Узбекистана
- 28 Бурanova M.A. Формы и методы инновационного развития и оценки их влияния на рост конкурентоспособности предприятий Узбекистана
- 31 Расулхўжаев З.Ж. Инновацион лойиҳаларни инвестициялаш имкониятлари
- 35 Пайгамов Р.Р. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини модернизациялаш шароитларида индустриал тадбиркорликнинг инвестиция салоҳиятидан фойдаланиш моҳияти

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

- 41 ✓ Адильчайев Р.Т., Абишов М.С., Сапарбаев Қ. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-куватлаш омиллари.
- 45 Хўжагелдиев Ч., Хайитмуродов А. Ер унумдорлигини оширишни рағбатлантириш бўйича жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари
- 50 Хошимов П.З., Тўраев З.Н. Туризм соҳаси миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг мухим омили сифатида
- 57 Бақоев Ҳ.Н. Навоий вилояти иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ривожланишининг таҳлили

Адильчаев Р.Т.

Қорақалпоқ Давлат университети, и.ф.н.

Абишов М.С.

Қорақалпоқ Давлат университети, и.ф.н.

Сапарбаев Қ.

Қорақалпоқ Давлат университети

МИНТАҚАДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОМИЛЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада барқарор ўсиш суръатлари ва халқнинг юқори фаровонлигини таъминлаш, минтақаларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни жадал ривожлантириш, ушбу соҳани молиялаштириш тизимига янгиликлар киритиш ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар асосида модернизация қилиш ва узоқ муддатли кредитлар ҳажмини оширишни тақазо этади.

Республикада иқтисодиётнинг ривожланиб, иқтисодий ўсишига эришишда ҳозирги кунда бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ўринда туради. Шуннинг учун ҳам, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз асарида, «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди» деб таъкидлаганлар¹. Сабаби, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ва кенгайтириш йирик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва шакллантириш шакллантиришдан камроқ иқтисодий ноқулайликларни келтириб чиқаради. Бу соҳа жаҳонда ривожланган давлатлар иқтисодиётининг ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг асосий омилларидан биридир.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юқсалтиришдир. – Тошкент, "Ўзбекистон", 2010. - 42 б.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликнинг аҳамияти қуйидаги муҳим белгилар билан таърифланади:

- мулкий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиши;
- фойда олишга интилиши;
- рақобат курашида қатнашиш;
- тижорат сирига эга бўлиш;
- имиджга эга бўлиш;
- иқтисодий ҳаракатларни ўз зиммасига олиш.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлашнинг турли усул ва воситалари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилар:

- иқтисодий фаолиятда бўлган корхоналарга солинадиган турли кўринишдаги солиқ тўловларини ўзгартириш;
- мамлакатнинг молия-банк тизими ни такомиллаштириш, бунда тижорат банкларининг ҳамда микрокредитлаш тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланувчи субъектларга бериладиган кредит портфелларини ошириш ва бу орқали аҳолига, хўжалик юритувчи субъектларга бериладиган кредитларнинг турли усул ва воситалари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилар:

диган имтиёзли кредит ҳажмини купайтириш;

- соҳага таалуқли бўлган меъёрий-хуқуқий қарорлар қабул қилиб қулай иқтисодий ҳамда инвестицион шароит яратиш орқали ва бошқа йўллар билан амалга оширилади.

Сўнги йилларда республикамиизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантиришга олиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат дастури доирасида ушбу соҳа вакилларига қўшимча имкониятлар беришга қаратилган комплекс чора-тадбирлари амалга оширилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича меъёрий-хуқуқий базани такомиллаштириш, янги қонун ҳужжатларни қабул қилиш орқали хусусий мулкни мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига назорат органлари аралашувини камайтириш чора-тадбирлари олиб борилди. Масалан, 1998 йили ягона солиқ тўлов ставкаси 36 фоизни ташкил этган, 2011 йилда 6 фоизга камайтирилди. Шунингдек, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун солиқ тўлов ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди, янги ташкил қилиган кичик бизнес субъектларининг молияхўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки 3 йил мабайнida режали солиқ текширишлардан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно). Бу эса, кичик бизнес субъектларига бир неча миллиард сўмни тежаб қолиш ва уни ўз иши-

ни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технолоѓик янтилаш, ишларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш имконини беради.

Бугунги кунда Қоракалпоғистон Республикасида амалга оширилган ижобий ишлар натижасида 2011 йил якунида рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 21314 тани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1189 тага, яъни 105,9 фоизга кўпайган. Рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 92,8 фоизини (19780та) микрофирмалар ва 7,2 фоизини (1534 та) кичик корхоналар ташкил қилган.

Рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг асосий қисми 12543 таси (58,8 фоиз) қишлоқ хўжалиги соҳасига, 3127 таси (14,7 фоиз) умумий овқатланиш соҳасига, 1067 таси (5,0 фоиз) қурилиш соҳасига, 1188 таси (5,6 фоиз) саноат соҳасига, 462 таси (2,2 фоиз) ултуржи савдо соҳасига, 1009 таси (4,7 фоиз) транспорт ва алоқа соҳасига, 1496 таси (7,0 фоиз) маиший хизмат кўрсатиш соҳасига, 314 таси (1,5 фоиз) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасига, 98 таси (0,6 фоиз) уй-жой коммунал хўжалик соҳасига ва бошқаларга тўғри келган.

Фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони ўтган йилга нисбатан 1078 тага ошиб 19118 тани ташкил қилган. Уларнинг жами рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлардаги улуши 89,7 фоизни ташкил килган¹.

Кичик бизнесни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришдаги улушини кўпайтириш вазифаси ҳар бир давлат учун муҳим ҳисобланади, чунки ушбу соҳани ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг салоҳиятини юксалтириш, ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ва сифатини ошириш, аҳоли бандлигини ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнесни ривожлантиришни молиялаштириш ва уни етарли даражада молия ресурслари билан таъминлаш масаласи муҳим ҳисобланиб, уни ҳал этишда ушбу соҳани

¹ Қоракалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

молиялаштириш тизимиға янгиликлар киритилиш орқали кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш мақсадга мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси тижорат банкларида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011 йил якунидаги жами 137,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши белгиланган булиб, амалда барча молиялаш манбалари хисобидан миллий валютада 158,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлиб, белгиланган йиллик режа кўрсаткичи 115,2 фоизга бажарилган.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига барча молиялаш манбаалари хисобидан берилган кредит маблағларининг 39,3 миллиард сўми ёки 24,8 фоизи айланма маблағларни тўлдиришга, 20,5 миллиард сўми ёки 12,9 фоизи саноатга, 20,8 миллиард сўми ёки 13,1 фоизи хизмат кўрсатишга, 17,2 миллиард сўми ёки 10,9 фоизи қурилишга, 41,2 миллиард сўми ёки 26,0 фоизи қишлоқ хўжалигига ҳамда 19,3 миллиард сўми ёки 12,1 фоизи бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Ажратилган кредитларнинг 73,5 миллиард сўми ёки 46,3 фоизи қисқа муддатли ва 85,3 миллиард сўми ёки 53,7 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этган¹. Ҳозирги вактда кичик бизнес субъектларининг кредит ресурсларга талаби юқори бўлиб, буни қондириш учун кредит институтларининг ресурс базаси етарли эмас. Шунингдек, тижорат банкларининг кредитларини олишда кичик бизнес бир қатор қийинчилкларга дуч келмоқдалар. Жумладан, энди иш бошлаган тадбиркорлар бошланғыш сармояни шакллантириш учун кредит олишларига таъминот масаласи тўсқинлик қилмоқда. Айниқса, кичик бизнес субъектларининг саноат, қурилиш ва пуллик соҳасида фаолиятларини кегайтириш, уларнинг ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар асосида модернизация қилиш ҳамда узоқ муддатли кредитлар ҳажмини оширишни тақазо этади.

Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони яратилаётган янги иш ўринларининг ўзгариши республи-

ка аҳолиси сони ва кичик бизнесда банд бўлган аҳолининг моддий манфаатдорли² ги ўртача маош кўрсаткичларига боғлиқ. Бундай моддий манфаатдорлик республика ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини ўсиб боришига таъсир кўрсатади. Бунда, тақсимот муносабатларини такомиллаштириш, кичик бизнесда банд бўлган аҳолининг даромадларини ўстириш ва уларнинг рафбатлантирувчилик ролини ошириш мутаносибликни таъминлайди.

2011 йил якунидаги кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуси 64,8 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 бандга ошган.

Кичик бизнес субъектларининг улуси иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 23,2 фоизни, қурилиш соҳасида 71,2 фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 44,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги соҳасида 95,3 фоизни ҳамда савдо соҳасида 47,4 фоизни ташкил этди.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан 2011 йил якунидаги кичик бизнесни ривожлантириш хисобидан 34874 та янги иш ўринлари яратилган.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари хисобидан жами яратилган янги иш ўринларидан саноат соҳасида 875 та, қурилиш соҳасида 1733 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 17591 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш хисобидан 4030 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш хисобидан 10555 та ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш хисобидан 90 та янги иш ўринлари яратилган². Республикаизда аҳолининг ўсиш суръатларини хисобга олган ҳолда ҳудудларда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ҳамда янги иш ўринларини яратиш зарурияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришни, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тақазо этади.

¹ Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

² Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Ҳозирги пайтда ҳокимликлар ёнидаги "Тугатиш комиссиялари" томонидан фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларининг сабабларини ўрганиш давом этилмоқда ва фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш билан чекланиб қолмасдан уларнинг фаолиятини тиклаш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича фаолият кўрсатмаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 2196 тага етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111 тага ошишига йўл қўйилган. Кичик бизнес субъектларининг фаолият кўрсатмаслик сабаблари таҳлил қилингандан, уларнинг 86,1 фоизи айланма маблағларининг йўқлиги ёки етишмаслиги, 1,8 фоизи хом ашё ва материаллар сотиб олишда қийинчиликлар бўлганлиги ва 6,1 фоизи бошқа ҳар хил сабабларга кўра фаолият юритмаётганлиги аниқланди¹. Жумладан, кредит олишда тадбиркорларда, айниқса янги иш бошловчиларда гаров учун мол-мулкнинг йўқлиги ёки етишмаслиги, корхоналар томонидан ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмаслиги, ўз фаолиятини тўғри режалай олмасликлари муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, минтақаларнинг ўзида табиий, ташкилий, иқтисодий, хуқуқий, ижтимоий ва инсон

омилларини мужассамлаштирган мавжуд салоҳияти ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳамда кўрсатадиган хизматларига бўлган талаб-таклифнинг ўзаро мутаносиблигига боғлиқдир. Шу нуқтаи наазардан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришда минтақавий омилдан келиб чиқсан ҳолда ёндашиб лозим. Чунки, ҳар бир минтақада мавжуд салоҳият турли соҳага ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни тақазо этади. Сабаби, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ихтисослашган субъектларни ташкил этишда минтақаларда турлича талабдан келиб чиқсан ҳолда амалга оширмоқ лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги жаҳон миқёсидаги инқироз ва ўлкамизда бозор муносабатларининг чуқурлашуви даврида кичик бизнес субъектларига берилаётган солиқ, кредит имтиёзлари иқтисодиётимизни рақобатбардошлигини ошириш ҳамда минтақаларнинг табиий-иктисодий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда молијавий ресурслари манбаларини кенгайтириш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш - муҳим омил ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устсвор йўналишларига бағишинган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 20 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогноз ива Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ – 1675-сонли Қарори (2011 йил 30-декабрь).
3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Тошкент, "Ўзбекистон", 2010. - 42 б.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

¹ Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари